



«ТАСДИКЛАЙМАН»

Тошкент тиббиёт академияси
ректори, профессор
Л.Н.Туйчиев
«28» феврал 2019 йил

**Тошкент тиббиёт академияси Илмий Кенгаши йиғилишининг
__7__ сонли БАЁНИ**

Тошкент шаҳар

«27» феврал 2019 йил

Раис қилувчи: Л.Н.Туйчиев - Тошкент тиббиёт академияси
ректори, профессор

Қатнашдилар: Тошкент тиббиёт академиясининг
Илмий Кенгаш аъзолари (рўйхат
бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Юқори малакали кадрлар тайёрлашда таянч докторантура ва докторантура фаолияти таҳлили

Маърузачи – Илмий ишлар ва инновация бўйича проректор
Ф.Л.Азизова

2. Молиявий йилнинг яқунлари. Академияда маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳолати..

Маърузачи – Ишлар бошқармаси бошлиғи А.А. Абдушукуров

3. Профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга ва илмий унвонга сайлаш.

Маърузачи – Комиссия раиси

4. Диссертация, монография ва ўқув-услубий ишлар мавзуларини тасдиқлаш
5. Турли масалалар.

Кенгашга Россия Федерацияси И.М.Сеченов номли Биринчи Москва тиббиёт университети ректори П.В.Глыбочко рахбарлигида делегацияси ташриф буюрди. Ректор Л.Н.Туйчиев сўзга чикиб, И.М.Сеченов номли Биринчи Москва тиббиёт университети ректори П.В.Глыбочко ни «Почетный профессор Ташкентской медицинской академии» унвони билан тақдирладилар. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси унвони билан ТТА ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродовни ҳамда Урология кафедраси доценти Д.Х.Мирхамидовлар тақдирландилар. Шунингдек, хирургия кафедраси ассистенти О.Т. Саттаров, асаб касалликлари кафедраси ассистенти Г.К. Рахматуллаевани-Doctor of Science илмий даражасини олганлиги билан ва информатика ва биофизика кафедраси ассистенти В.Г. Махсудовларни тиббиёт бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олганликлари билан табрикландилар.

Кун тартиби овозга кўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Кун тартибининг биринчи саволи бўйича, Илмий ишлар ва инновация бўйича проректор Ф.Л.Азизова “Юқори малакали кадрлар тайёрлашда таянч докторантура ва докторантура фаолияти тахлили” мавзуси бўйича маъруза қилди (маъруза матнда келтирилган). Маъруза ҳисоботи коникарли деб қабул қилинсин.

1.1. Илмий ва илмий-педагогик кадрлар сифатини ошириш мақсадида ТТАда таҳсил олаётган барча докторант ва мустақил изланувчиларнинг мақола ва илмий маҳсулотлари Scopus, Web of Science, Google Scholar Ҳалқаро тизимларига киритилган журналларда чоп этилиши ҳамда чет элдаги нуфузли ОТМ муассасалари профессор-ўқитувчилари билан илмий ҳамкорлик ишлари кучайтирилсин.

Масъул–Илмий ва инновацион ишлар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, илмий ва илмий педагогик кадрлар таёрлаш бўлими бошлиғи Р.Ж.Матмуродов, деканлар, кафедра мудирлари

Муддат – доимий

1.2. Ўз муддатида химоя қилмаган докторант ва изланувчи ҳамда уларни илмий раҳбар ва илмий маслаҳатчилари оғохлантирилсин.

Масъул—Илмий ва инновацион ишлар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, илмий ва илмий педагогик кадрлар таёрлаш бўлими бошлиғи Р.Ж.Матмуродов, декалар, кафедра мудирлари

Муддат – доимий

1.3. Тошкент тиббиёт академиясининг докторант ва таянч докторантларига ректорат, деканат ва кафедраларнинг эҳтиёжини инобатга олган ҳолда ички ўриндош асосида 0,5 ставкагача фаолият юритиш учун рухсат берилсин.

Масъул—ҳодимлар бўлими бошлиғи М.С.Тадженов

Муддат – доимий

2. Кун тартибининг иккинчи саволи бўйича, Ишлар бошқармаси бошлиғи А.А. Абдушукуров “Молиявий йилнинг якунлари. Академияда маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳолати” мавзуси бўйича маъруза қилди (маъруза матнда келтирилган), маъруза ҳисоботи қониқарли деб қабул қилинсин.

2.1. Тошкент тиббиёт академиясининг 2019 йил ҳаражатлар сметасини шакллантириш учун таклифлар киритилсин.

Масъул— Ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, илмий ва инновацион ишлар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, ТТА ёшлар ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича проректор Т.А. Бобомуратов, ишлар бошқармаси бошлиғи А.А. Абдушукуров, деканлар, ТТА бўлим бошлиқлари, бош бухгалтер М.Т. Садикова

Муддати: 2019 йил 10 март

2.2. Тошкент тиббиёт академиясида бухгалтерияга оид ҳужжатлар амалдаги меърий ҳужжатларга мувофиқ олиб борилиши таъминлансин ва назоратга олинсин.

Масъул— Ишлар бошқармаси бошлиғи А.А. Абдушукуров, бош бухгалтер М.Т. Садикова

Муддат – доимий

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19-декабрдаги ПҚ-4067 қарори ижросини тасдиқлаш мақсадида Бош ўқув биносининг реконструкция таъмирлаш ишлари лойиҳаси смета ҳужжатларини тасдиқлаш учун техник таклифлар ЎзР Соғлиқни Сақлаш вазирлигига киритилсин.

Масъул– Ишлар бошқармаси бошлиғи А.А. Абдушукуров, бош бухгалтер М.Т. Садикова.

Муддат – 2019 йил 1-чорак

3.Учинчи савол “Профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга ва илмий унвонга сайлаш” бўйича кенгаш котиби профессор Г.А.Исмаилова таништирди ва сайлов ўтказилди (1-илова).

4. Тўртинчи савол “Диссертация, монография ва ўқув-услугий ишлар мавзуларини тасдиқлаш” бўйича ОТМ кенгаш котиби Г.А.Исмаилова таништирди (2-илова).

5.Турли масалалар бўйича–

5.1.Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Олий таълим вазирликларидан келган буйруқлар билан ички назорат инспекцияси ва мониторинг бўлими бошлиғи профессор Ў.М.Миршарапов таништирди. (3-илова).

5.2.Тошкент тиббиёт академияси Илмий Кенгаши Низоми тасдиқлансин.

5.3.Тошкент тиббиёт академияси Таълим сифатини назорат қилиш бўлимининг ярим йиллик иш режаси тасдиқлансин.

5.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 январдаги “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги” ПҚ-4119-сон қарори ижросини амалга ошириш учун Тошкент тиббиёт академиясини халқаро рейтингга киритиш бўйича Йул харитаси тасдиқлансин.

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан тасдиқланди.

Кенгаш ўз ишини якунлади.

Олий таълим муассасаси

кенгаш котиби



Г.А. Исмаилова

Ўқув ишлари бўйича
проректори



Ш.А.Боймурадов

ТТА илмий ва инновацион ишлар
бўйича проректори



Ф.Л.Азизова

ТТА ёшлар ва иқтидорли талабалар
билан ишлаш бўйича проректор



Т.А. Бобомуратов

Ички назорат ва мониторинг
бўлими бошлиғи



Ў.М. Миршарапов